



Ishonch

Моҳият

Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan



Наманган шаҳар бандлик-ка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркага асосан олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битираётган ёшлар жалб қилинди. Унда Наманган вилоятидаги 107 корхона, ташкилот ва муассаса 600 га яқин бўш иш ўринларини тақдир этди.

Меҳнат ярмаркасида 133 нафар йигит-қиз доимий ишга кириш учун йўлланма олди, 125 фуқарога меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилди.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Касаба уюшма оталиғидаги соҳа Томорқа — кони фойда



Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўтган йиллар мобайнида чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантиришда ташаббускорлик кўрсатди. Эндиликда эса аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосилдорлигини интенсив йўл билан оширишда бор имкониятларни ишга солаётди. Бу борада долзарб вазифалар белгилаб олинди. Масалан, бирлашма кенгаши раёсатининг қарори қабул қилиниб, ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Аъзолар вилоятдаги шаҳар ва туманларга бериб келинди. Айни кунда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан худудларда ҳокимлик ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда йигилликлар ўтказилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Тажриба сифатида танланган Нишон туманида йирик корхона, ташкилот раҳбарлари мавжуд 24 та қишлоқ, маҳалла, шаҳарча фуқаролар йиғинларига аҳолининг шахсий томорқа ҳўжалигида мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини экиш ҳамда етиштиришни ташкиллаштиришда кўмаклашиш учун ҳомий этиб белгиланди. 24 та махсус тарғиботчилар гуруҳи ташкил этилиб, улар зиммасига ҳар бир қишлоқ, маҳалла, кўча ва хонадонлар бўйича фаолият юритиш масъулияти юкланди. Йил давомида ҳар ўн хонадонда бир масъул шахс тарғибот-ташвиқот ишини олиб боради. Туман ҳокимлиги томонидан мониторинг дафтарлари ташкил этилиб, ҳар бир хонадон учун 2 нусхадан наشر эттирилди. Мониторинг дафтари бириктирилган масъул киши ва хонадон эгаси томонидан тўлдирилиб, уларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

Ёшлар бандлиги эътиборда

«Устоз-шогирд» тизими амалда

Ёшларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланиши ва иш билан бандлигини таъминлашга кўмаклашишда касаба уюшмалари изчил фаолият олиб бораётти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда унга аъзо ташкилотлар қошидаги Ёшлар кенгашлари ҳам ушбу йўналишга муносиб ҳисса қўшаётди. Жумладан, тизимда жорий этилган «Устоз-шогирд» усули бу борада ижобий самара бермоқда.

Хусусан, касаба уюшма маблағидан бюджет ташкилот ва корхоналарда амалиёт ўтаётган коллеж битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ва коллежни имтиёзли диплом билан битириб ишга жойлашган ходимларга 50 фоиз миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилаётди. Жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра, тармоқлар бўйича 2483 нафар ўқувчига 20 фоизли ва 627 нафар ёш мутахассисга 50 фоизли моддий ёрдам берилди. Бунга касаба уюшма маблағларидан 44 млн. 626 минг сўм ажратилди.

Масалан, «Бухороненфтгазпармалаш» очик акционерлик жамиятида амалиёт ўтаган 20 нафар ўқувчига касаба уюшма кўмитаси томонидан шу тартибда моддий ёрдам кўрсатилди. «Гарбгазтаминот» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси эса ҳар йили 22 нафар иқтидорли ўқувчига устама стипендия тўламоқда.

Шунингдек, Бухоро вилояти

бот олиб борилмоқда.

Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан жамоа шартномаларига ёшлар учун ижтимоий имтиёзлар берилиши масаласи киритилмоқда. Мисол учун, «Максам Чирчиқ» очик акционерлик жамиятида жамоа шартномасига биноан амалиёт ўтаган 422 нафар ўқувчига иш соат тарифлари асосида 32 млн. 649 минг 600 сўм тўланди ва уларнинг туш-лиги учун 20 млн. 32 минг 800 сўм ажратилди. Наврўз байрамида жамият касаба уюшма кўмитаси томонидан Чирчиқ саноат касб-хунар коллежининг 13 нафар ва Чирчиқ техника касб-хунар коллежининг 5 нафар ўқувчисига 440 минг сўмлик озиқ-овқат тўпламлари ажратилди.

«Урганчтрансгаз» шўба корхонаси томонидан эса 122 нафар ўқувчи амалиёт даврида бепул иссиқ овқат билан таъминланди. Тижорат банклари ҳамда Машина-трактор паркларида ҳам амалиётчиларга бир маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинди.

Корхонада амалиёт ўтаётган ва ишга жойлашган ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳам алоҳида эътиборда. Жумладан, бугунги кунда барча корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташ учун бириктирилган ўқувчилар ва янги ишга

қабул қилинган коллеж битирувчиларини меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказиш, махсус кийим-бош ва пойабзал, яқна тартибдаги ҳимоя воситалари, профилактика озиқ-овқатлари (сут, сўт маҳсулотлари, шербатлар) билан таъминлаш касаба уюшмалари томонидан жиддий назоратга олинмоқда. Ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилиб, улар жамоа шартномалари билан таништириляпти.

Келгусида жамоа шартномалари бўйича корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга бир марталик тўлов ва қўшимча ҳақ бериш, сафарбарлик захирасидаги харбий хизматга чақирилган ходимларга пул маблағларини Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун фойзсиз ссудалар бериш масаласини ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг ёшларга доир сийосатини амалга оширишда касаба уюшмалари муносиб ҳисса қўшапти. Тизимда фаолият кўрсатаётган Ёшлар кенгашлари самарали тузилма сифатида бу борада ўзини оқламоқда.

Ўз муҳбиримиз

Туманда экин турига ҳамда зарур уруғ ва кўчатларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ишлари олиб бориляпти. Худуд шароитидан келиб чиқиб, экин экиш, парваришлагга оид тажрибали деҳқонлар, малакали агрономлар тавсиялари эътиборга олинаётди. Уруғлик ва кўчатларни келтириш манбалари ўрганилмоқда. Нишонда бугунги кунга қадар иккита уруғлик ва кўчат билан савдо қилувчи дўкон фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин кунларда аҳоли пунктларининг жойлашувига қараб, улар сонин яна 6 тага ошиши режалаштирилган. Шунингдек, тумандаги мавжуд бозорларда ҳам уруғлик ва кўчат сотилиши йўлга қўйилади. Туман маркази ва йирик аҳоли пунктларидан узоқ, уруғлик ва кўчат сотиш шохобчалари мавжуд бўлмаган жойларга уруғлик махсус кўчма дўконлар орқали етказиб берилди. Бунда асосан «Агробанк» томонидан ташкил этиладиган махсус «Дамас» автомашиналаридан фойдаланиш кўзда тутилган. Шунингдек, ери бўлган кам таъминланган оилалар сонин аниқлиниб, биринчи навбатда уларга томорқа ишларини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилиши ёки ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланиши белгилаб олинди.

Аҳоли томоқасидан самарали фойдаланишда энг долзарб масала — сув танқислигига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Мисол учун, оммавий хашарлар ташкил этилиб, ариқ ва зовурлар тозаланмоқда ҳамда қазил ишлари амалга оширилмоқда. Зарур бўлганда ер ости сувидан фойдаланиш мақсадига кичик моторлар сотиб олиш учун имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилади.

Томорқаларда экинлар асосан маҳаллий ўғитлар билан озиклантириляпти. Уларга минерал ўғитлар, экинни зараркунанда ва турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида учрашувлар ўтказилиб, жаҳон иқтисодий инқирози, унинг салбий оқибатлари ва шундай пайтда ҳукуматимиз томонидан озиқ-овқат хавфсизлиги масаласида амалга оширилаётган ишлар ҳақида энг тушунча берилди.

(Давоми 2-бетда)

Тадбиркор ва замон

Уч дугона ниҳоят ўзлари қидириб юрган идорани топишди. Пештоқиға «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамият деб ўзиб қўйилган эшикдан киришгач, ҳаяжонлари бирмунча босилди. Истараси иссиққина аёл уларни илиқ қаршилади.

— Келинлар, қизлар, нима хизмат? — Ишга кирсак девдик.

— Жуда яхши, жамиятимизнинг ҳам асосий мақсади сиз каби ёшларга кўмаклашиш, раҳбаримиз Араббой ака келсин, маслаҳатлашиб бир қарорга келамиз.

Ўша кунни дугоналарнинг ҳождати чиқарилди.

Ҳождатбарор

Жамият 2005 йилда ташкил этилган. Маҳфуза Абдужабборовва бу ерда бош хисобчи вазифасида ишлайди. У ўз хизмат доирасидан ташқари, тез-тез корхона ва ташкилотларда бўлиб, касаначилик иш ўринлари бор-йўқлиги билан қизиқади. Сунг иш топиш илинжида юрган аёлларни зарур жойларга йўналтиради ва касаначилик ҳамда унинг афзаллиги, имтиёзлари тўғрисида тушунча беради.

— Маҳфуза опа бозор талабларидан келиб чиқиб, махсулот ишлаб чиқариш лозимлигини таъкидлаб туради, — дейди «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг туман болиби Чевар Азизахон Аҳмад-жоновва. — Унинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, сира кам бўлаётганимиз йўқ.

Маҳмуд ИБОЕВ, Андижон шаҳри

Ибн Сино ўқишлари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга, уни халқимизга етказишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, Президентимиз Фармони билан 1999 йилда ташкил этилган «Ибн Сино» халқаро жамғармасининг асосий вазифаларидан бири — буюк аллома ҳаёти, ижоди ва таълимоти кенг оммага, айниқса, ёшлар орасида тарғиб этиш ҳамда уларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга қаратилган.

Фонд форумининг «Ўзбекистон халқ таъботати ассоциацияси» 2010 йилнинг январиде ташкил этилди. Унинг фаолияти шарқ таъботати асосларини тиклаш, ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишда халқаро алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

«Ибн Сино» халқаро жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон Халқ таъботати ассоциацияси» Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида 16-17 декабр кунлари Бухоро шаҳрида «Буюк аллома Ибн Сино таълимоти ва замонавий таъботати» мавзусига бағишланган VI «Ибн Сино ўқишлари» илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Анжуманда ҳамдўстлик мамлакатлари ва хориздан келган мутахассис ҳамда олимлар иштирок этишди.

Конференциянинг дастлабки иш куниде иштирокчилар Ибн Сино таваллуд топган гўша — Пешку туманидаги Афшо-на қишлоғига ташриф буюрди. Бу ерда тиб илмининг асосчиси ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди. Буюк зот номи билан аталувчи музей ва касб-хунар коллежида бўлишди.

— Ушбу анжуманни ўтказишдан мақсад, — дейди «Ибн Сино» халқаро жамғармаси раиси Шерзод Зокирхўжаев, — нафақат улуг аллома Ибн Сино ҳаёти ва ижодини тарғиб қилиш, балки унинг таълимоти асосида замонавий таъботатини ва халқ таъботатини ривожлантириш, шунингдек, машҳур олим меросининг фан тараққиётидаги аҳамиятини асослашди. Ибн Сино таълимотида соғлом турмуш тарғиботи, яъни рационал овқатланиш, ёт иллатларга қарши кураш, жиоманий ҳаракат, касалликларнинг олдини олиш, соғлом ҳаёт кечиришнинг муҳим жиҳатлари муҳасамалашган.

«Ибн Сино ўқишлари» вилоят марказидаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуида қад ростлаган мухташам вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтди. Унда қатор хорижий, ҳамдўстлик давлатлари ва мамлакатимиз олим ҳамда мутахассислари иштирок этишди.

Эрон Ислом Республикасининг Ибн

Халқаро анжуман

Президент китоби ўрганилмоқда

Мамлакат ва унинг фуқаролари ҳаётида туб бурилиш ясаган истиқлол порлоқ истиқбол эшикларини очиб берганлиги билан ҳам қадрли. Зеро, унга осонлик билан эришилмаганлигининг ҳар биримиз ёдда туттишимиз зарур.

Олий неъмат соҳибларимиз

Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли китоби мамлакат ва халқ тақдирини ҳал қилувчи вазиятларда қай даражада оқилона йўл тутилганлиги ҳақида ҳолис ва батафсил маълумот берилганлиги билан ғоят катта аҳамиятга эга. «Сувсоз» давлат унитар корхонасида бўлиб ўтган тадбирда ҳам мазкур китобнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг ёшларимиз учун давлатимиз тарихини ўрганишда ўзига хос манба эканлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Йиғилишда корхона раҳбарлари ва фаоллари, касаба уюшма ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Ташкент Давлат педагогика университетининг «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраси ўқитувчиси Эрмат Тиллаевнинг маърузаси қизиқли билан тинланди. Шунингдек, тадбирда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоялар, белгилаб олинган йўналишлар тўлалигича ўзини оқлагани эътироф этилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Озод инсон қўшиғи

Бошланғич синфда таҳсил оларди. Ховлимиз шундайгина қишлоғимизда ягона (ҳозир бешта) мактаб биносига туташиб кетганди. Бир қадам бу ёққа ташласам — мактаб, бир одим у ёққа юрсам — уй. Синфдошларимнинг ҳаваси келарди: — Сенга маза, кўнғироқ чалинганда уйингдан чиқсанг ҳам ўқитувчи синфга кириб улгурмасдан етиб келасан. Кўпинча дарс соатлари тугагандан сўнг ҳам мактаб ҳовлисида ўралашиб юрардим. Мени ўқувчилар кетиб бўлгандан сўнг озодликка чиқадиган оёғи тахтақачланган лайлак ва қаноти мажруҳ бургут қизиктирарди. Негадир мактабнинг хўжалик мудирини Рўзи бобо (бу болажон инсон ҳам урушдан ўнг қўли яраланиб қайтганди) ўқувчилар бор пайти ҳар иккала жониворни Сулаймон темирчиға яратган қасраларга қамаб қўярди. Танаффус пайти шу ер ўқувчилар билан гавжум бўларди. Рўзи бобонинг қушларга тегажаклик қилаётган болаларни ҳайдаман деб эси кетарди: — Хой, яқин борма, бургут йирткич қуш... — Лайлак беозор жонивор, озор берма... Фақат синфхоналар бўшаб, мактаб ғала-говури тинчиганда ҳар иккала қуш қафасдан озод этиларди. — Нега бўшадингиз, учиб кетишмайдими? — сўрадим Рўзи бободан. Рўзи бобо отамнинг ошанаси, қолаверса, мактаб директорининг арзанда-симан, шунинг учунми саволимга жавоб олмасдан тинчимасдим. — Қани эди учиб кетишса, — дерди

у афсус билан. — Лайлак олис ўлкаларга етиб боролмайди, бургут эса учолмайди. — Нега учолмайди? — Емон одамлар унинг қанотидан отишган. Беихтиёр ёмон одамлардан нафратланардим: — Шундай баҳайбат қушни қандай отишди экан? — Бунисини билмадим, аммо уни менга келтириб беришганда шу аҳволда эди, ярасини тузатаман деб шунча уриндим, бўлмади. Кейин Рўзи бобо саволларимдан қутилмоқчи бўлибми: — Яхшиси сен унингга бориб, бир бўлак хом гўшт олиб кел, бургут бечора очликдан озиб бораёпти, — дерди. Мухим топшириқни бажариш учун уйга қараб еламан, нимагадир андармон бўлган онамнинг кўзини шамғалат этиб мактабга ўлжа билан қайтаман. Бургут қўлимдаги емишни кўриб қағиллайди. Уни интиқ қилмай лаҳми емиш идишига ташлайман. Бургут бир зумда гўштни лахта-лахта бўлиб, ютиб юборди... Одатдаги кунларнинг бирида, куёш олис ётоғига бош қўяётган палла фалақдан галати овоз эшитилди: — Қий-хув-в-в, қий-хув-в-в... — Қишлоққа киргйи оралапти, энди у кимнингдир қаровсиз қолган тоғуғини олади, — деди Рўзи бобо билан гурунглашиб ўтирган отам. — Киргйи нима, — сўрайман қизиксиниб. — Ху-у, ана, — Рўзи бобо соғ қўлининг кўрсаткич бармоғи билан осмондаги қора нуқтани кўрсатди. — Киргйи дегани ҳам шу бургутимизнинг аждод-

ларидан. Қора нуқта аста-секин қанотларини кенг ёйиб учаётган баҳайбат қушга айланади. Бургут безовталанди, қарасам у ҳам қип-қизил қондек кўзларини киргйига тикиб, учишга уринарди. Аммо уринишлари бесамар кетди, мажруҳ қанот унинг майлига бўйсунмади. Шу-шу ярадор бургут ҳеч нарсага қиб бокмай қўйди, минг азобда уйдан олиб чиққан гўшларим тупроққа қоришиб қолаверди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, бургутни ўткир кўзлари осмонга қадалганича ўлиб ётган ҳолда кўрдим. — Эрк истаги, мусаффо осмон, озод ҳаёт соғинчи бургутни боқий масканига олиб кетибди, — деди Рўзи бобо кипригига қалқиган ёшни менга сездирамаслик учун файласуфона оханди... * * * * * Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари боши эди. Чўл тумани «келажаги бор» ёшларидан саналганим учун Тошкентга бир ойлик курсга ўқишга юборилдим. Республиканинг турли бурчакларидан келган тенгдошлар билан тезда тил топишиб кетдик. Бир кунни ҳамномам янглик топиб келди: — Эфиопиядан талабалар келишаётган эмиш, улар биз билан бирга ўқишармиш. Эртаси кунийёқ олис Африканинг қолоқ мамлакатидан келган элликка яқин ўғил-қиз ётоқхонанинг биздан юқоридаги қаватига жойлашди. Жон билан волейбол мусобақасида танишдим. Эндигина ўн етти ёшни тўлдирган бу

Ифтихор

ўсмир рус тилини чала-чулла биларди. Кун ўтган сайин икки ярим — бир бутун деганларидек, бинойигина мулоқат қиладиган бўлди. Уша йиллари собиқ Иттифоқ газеталари ким ўзарга эндигина мустабид тизим исканжасидан чиққан Эфиопияда очарчилик ҳукмронлиги ҳақида бонг урарди. Баъзан ёшлик қизикқонлигига бориб бахслашиб қолса: — Сизларнинг мамлакатингизда қашшоқлик ҳукмрон, биз эса обод юртда яшаймиз, — дердим Жонга. — Тўғри, қорнингиз тўқ, эгингиз бут, аммо бировнинг қўлида қарамсизлар, биз эса озодмиз, билсанг, мустақилликнинг ўзи олий неъмат, — деб жавоб қайтарарди у. Унинг мулоҳазаларидан ҳайрон қолардим: «Нега бундай пинсада қилад, бизнинг қўлимизни ким боғлаб қўйибди». Бир кунни Жон мени ўз ётоқхонасига бошлаб борди. Газеталарда қашшоқ деб таърифланган мамлакатнинг уч фуқароси истиқомат қиладиган хонада қимматбахо япон аудио магнитфони турар, жавон эса биз орзу қилиб эришолмайдиган сўнгги русумдаги кийим-бошлардан тирбанд эди...

Юқоридаги икки воқеани бежиз эсламадим. Орадан йиллар ўтди, истиқлол шарофати билан жафокаш халқимиз истибод даврида мажруҳ этилган динига қайтиб, ҳар бир хонадонда нафақат япон магнитофони, балки юртимизда ишлаб чиқарилган юқори сифат белгисига эга енгил машиналар пайдо бўлди. Шу тариқа банди бургутнинг нега тутқунликка қарши исён кўтаргани-ю Жоннинг «муҳими, биз озодмиз» деб гурунлангани сабабини англаб етдим.

Абдунаби АБДИЕВ



33 йил аввал юборилган мактуб манзилига етиб келди

1978 йилнинг октябрида АҚШнинг Атланта шаҳридан Аляска штатида юборилган мактуб ниҳоят кўрсатилган манзилга етиб келди. Маҳаллий почта хизмати ходимларининг сўзларига қараганда, ўтган 33 йил мобайнида мактубнинг қаерда бўлгани ва нега бунчалик «ушланиб қолгани» уларга маълум эмас. Почта хизмати маъмурларининг таъкидлашича, эндиликда хат босиб ўтган йўлни аниқлаш ҳам имконсиз. 1978 йил санаси қўйилган ушбу мактуб эр-хотин Джеймс ва Бетти Уилсонларга юборилган бўлиб, унинг муаллифи Джеймс Уилсоннинг қариндошларидир. Уилсоннинг ўзи эса шу йил ёзда вафот этган ва қариндошларининг мактубини ўқишга муваффақ бўлмаган. Джеймс Уилсоннинг беваси Бетти хоним айна пайтда Арканзасда яшади. Хат ҳақидаги хабарни эса ўзининг собиқ уйда яшаётган Норм Макдоналддан олган. Бетти хонимнинг айтишича, у хатдан умуман беҳабар бўлган. Айна кунларда эса Бетти Уилсоннинг қизи 33 йиллик мактубни онасига топшириш учун Арканзасга жўнашни режалаштирмоқда.

Истамбулнинг тарихий яримороли сақлаб қолинади

Истамбул шаҳар ҳокимияти шаҳарнинг тарихий яриморол қисмини сақлаб қолиш тўғрисидаги режани тасдиқлади. Тарихий яриморол Истамбулнинг бир қисми бўлиб, эски шаҳар деворлари атрофида жойлашган. Бу ерда кўпгаб Рим, Византия ва Оттоман ҳокимлиги даври тарихий обидалари сақланган. Шаҳарнинг яриморол қисмини сақлаб қолиш тўғрисидаги режа ушбу ҳудудда ноқонуний равишда қурилган биноларни йўқ қилиш, тарихий обидалар атрофидаги қўқаламзорларни асраб-авайлаш ва улар яқинида янги бинолар қуришни тақиқлашни ўз ичига олади. Тарихий яриморол 1995 йилда археология обидаси деб эълон қилиниб, шаҳар ҳокимияти ҳудудни ҳимоя қилиш ҳақидаги режани тақдим этганди. Аммо шаҳар ҳокимиятининг маданий ва табиий ёдгорликларни ҳимоялаш кенгаши режада яриморолнинг эскириб қолган қиёфаси кўзда тутилмаган, деб топгач, 2005 йилда шаҳар маъмурий суди бу режани бекор қилган эди.

Янги Меҳнат кодекси лойиҳаси тақдим қилинди

Бугун Россия саноатчилар ва тадбиркорлар уюшмасининг (РСПП) меҳнат бозори ва кадрлар стратегияси бўйича қўмитаси янги Меҳнат кодекси лойиҳасини жамоатчиликка тақдим қилди. Саноатчилар янги кодексга бўлган зарурати амалдаги Меҳнат кодексига меҳнат унвмдорлигини оширишга ундовчи омилларнинг йўқлиги, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш ва инновацион жамиятни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж билан изоҳлашмоқда. Қўмита етакчилари бунинг оқибатида Россияда иқтисодий ўсиш секинлашаётганини таъкидлашаёпти. Меҳнат ва дам олиш вақтида мuddатли меҳнат шартномаси тузишдаги чекловни олиб ташлаш тўғрисидаги таклиф қўмита тавсия қилаётган аниқ чоралар сафидан ўрин олган. РСПП етакчиларининг фикрича, қўшимча иш вақти масалалари нафақат Меҳнат кодекси билан мувофиқлаштирилиши, балки «ҳодим ўз хоҳиши билан асосий вақтга қўшимча равишда ишлаш олиши ҳолатларида иш бериш ва ходим ҳамкорлигида ҳам ҳал этилиши лозим». Бундан ташқари, иш беришчилар меҳнат шартномаси мазмуни «умуман янги» бўлиши истганини билдиришди. РСППнинг фикрича, ҳодим мажбуриятлари қаторига «иш беришчи учун зарур бўлган маълум меҳнат муваффақиятларига эришишни» ҳам киритишни таклиф қилмоқда.

«Google»да яна патент можароси

Дунёнинг энг йирик телекоммуникация компанияларидан бири «British Telecom» «Google» компанияси томонидан уларга тегишли патент ҳуқуқи бузилганлиги юзасидан судга мурожаат қилди. «FOSS Patents» блогига матни келтирилган ушбу шикоятда «Google» компанияси ўз хизматларида «British Telecom» томонидан патентланган технологияларни қўллаётгани даъво қилинган. Даъвога кўра, «Google» томонидан бузилган патент ҳуқуқлари сони олтига бўлиб, уларнинг кўпчилиги умумий характерга эгадир. Масалан, тортишувга сабаб бўлаётган патентлардан бири «Информацион тизим», бошқиси эса «Аппарат ва телекоммуникация услублари» деб номланган. Патентларнинг баъзилари «British Telecom» томонидан ўн йиллар аввал олинган. «British Telecom» ҳуқуқшунослари «Google»нинг дегарли барча асосий хизмат ва махсулотларида патент ҳуқуқи бузилган, деб топган. Android операцион тизими, «Google» қидирув хизмати, «Google Maps» хариталари, «Gmail» почта хизмати ва бошқалар шулар жумласидандир. «BT» «Google»дан ўзи томонидан патентланган технологиялардан фойдаланишни тўхтатиш ҳамда етказилган зарар учун тоvon тўлашни талаб қилмоқда. Шунингдек, «BT» патент ҳуқуқи бузилиши хотинин атай қилинган деб топиб, шу сабабли тоvon пули миқдори уч барабар кўп белгиланиши лозимлигини таъкидламоқда. Ўз навбатида, «Google» вакиллари «CNET News» интернет-журналига берган интервьюсида даъво асоссиз эканлиги ва бунга қарши қатъий қаршилик кўрсатилишини маълум қилган.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 19 ноябрдаги 138(3019) сонига чоп этилган «Янги Республика» натижаси: «YOA» Тошкент минтақавий филиали томонидан савдога чиқарилган д/р 01 877 LBA, 2000 йилда э/ч «Нисхаси Донос» авторинформацион воситасининг хабарномаси бекор қилинган.

Сўраган экансиз

Нотариус қандай ҳолатларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши мумкин?

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қуйидаги ҳолатларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши мумкин: — бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса; — бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса; — муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса; — юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса; — битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса; — нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Ўзбекистон Республикасида нотариусдан ташқари яна қиммат ҳужжатларни тасдиқлаш ваколатига эга?

Қуйидаги шахслар томонидан имзоланган ҳужжатлар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади: Бош шифокорлар, уларнинг тиббий ё буйича ўринбосарлари, навбатчи шифокор, қариялар уйлари директорлари ва бош шифокорлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юрган кема капитанлари, қидирув экспедициялари бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалар, ҳарбий қисм командирилари, жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари томонидан тасдиқлаган васиятномалар ва ишончномалар. Автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно.

Нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларидан ташқари яна қайси жойларда амалга оширилиши мумкин?

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларидан амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра нотариал идорага бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Агар шахс ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса бундай ҳужжатлар қандай тартибда тасдиқланади?

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига асосан агар шахс ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топшириғига кўра, унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолashi мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши шарт.

Абдурафиқ ХАЙДАРОВ, Жиззах вилояти Мирзачўл тумани нотариуси


Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

Ускуналардан тўғри фойдаланинг

Хонадонларни иситиш мақсадида кўпгаб уй эгалари аксарият ҳолларда кўнбола асалган, давлат стандартидан ўтмаган электр ускуналаридан ҳам фойдаланишади. Одатда арзон нархда сотилаётган бундай ускуналарнинг спираллари очик ҳолда бўлганлиги сабабли, хона ҳароратини қуритиб, инсон соғлиғига жиддий зарар етказиши билан бирга, ёнгини ҳам келтириб чиқаради. Ушдан меъёридан ортик иссиқлик чиқариши сабабли бундай ускуналар теварак-атрофида жойлашган ёнғичи буюмларнинг аланга олишига сабаб бўлади.

2011 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида Тошкент шаҳри аҳолисининг биргина шахсий турар-жойларида қарийб 309 та, кўп қаватли турар-уй биноларида эса 248 та ёнгин содир бўлган. Агар кўнбола носоз электр ва газ ускуналаридан ўзбошимча фойдаланилса, бепарволикка, лоқайдилликка йўл қўйилса бундай нохуш ҳодисалар ҳар биримизнинг хонадонимизда кўйи бериши мумкин. Шунинг учун беътибор бўлмайлик. Уй-жойимизни, соғлиғимизни ёнгин офатидан асраб қолайлик.

Гулнора ҚУРБОНОВА, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ АТТБ муҳандиси, капитан



Спорт гимнастикаси

Антон — халқаро турнир фолиби

Москва шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Антон Фокин олтин медални қўлга киритди.

Халқаро турнирда мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, Беларус, Украина, Исроил, Буюк Британия каби давлатлардан келган кучли гимнастикачилар фолиблик учун куч сынашди. Мусобақанинг эр-

да қолдирди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Таърибали гимнастикачи миз халқаро турнир давомида халқаро машқ бажариш бўйича 14,8 балл билан унчи ўринни эгаллади.

Байрам АЙТМУРОДОВ, УзА мухбири

Спартакиада

Оммавийлик сари



Яқинда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Ўзбекгеофизика» ОАЖ спорт мажмуасида тизимда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасидаги спорт мусобақаси ташкил этилди.

Бахсларда Қорақалпоғистон Республикаси (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти), Наманган вилояти (Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари), Навоий вилояти (Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари), Тошкент шаҳри (Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти) ҳудудий боқич голибларидан иборат 60 нафарга яқин ходим қатнашди.

Иштирокчилар спортнинг 9 турида баҳсга киришди. Яқунда умумжамоа ҳисобига кучли учликни Тошкент шаҳри, Навоий вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари ташкил этди.

«Академиада — 2011»

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раҳбарияти ҳамда бирлашган касабга уюшма қўмитаси томонидан анъанавий «Академиада — 2011» мусобақалари уюштирилди.

Унда тўрт юздан зиёд катнашчи спортнинг мини футбол (эркаклар), волейбол (эркаклар), стол тенниси (эркаклар ва аёллар), шахмат (эркаклар ва аёллар), шашка (эркаклар ва аёллар) турлари бўйича баҳсларга киришди.

Шахмат ва шашка мусобақалари Фанлар академиясининг кутубхонасида ташкил этилган бўлса, қолган беллашувлар Тошкент Давлат маданият институтининг спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Қарийб бир hafta давом этган беллашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. Умумжамоа ҳисобига шоҳсупанинг юқори поғонаси Ядро физикаси институти жамоасига насиб этган бўлса, иккинчи поғонага иккита Усмилки моддалари кимёси институти ва «Фидо-Бизнес» МЧЖ жамоалари кўтарилди, иккита учинчи ўрин эса Физика қуёш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ме-

ханика ва иншоотлар сейсмика мустаҳкамлиги институти жамоаларига насиб этди.

Ҳали бундан олдинкилар диплом ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири, Икром ХАСАНОВ, олган суратлар

«Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловига

Мардлик мактабида тобланаётган ўғлон

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига асосан юрт химочиларидан бир гуруҳи ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида «Жасорат» медалига сазовор бўлган сержант Одижон Исмоилов ҳам бор.



Ватанга муҳаббат. Худди шу туйғу сержант О. Исмоиловни эл-юрт химочиси бўлишдек шарафли касбни танлашга ундаган. У улгайган оилада ҳарбий хизматчилар жуда қадрланарди. Бунга амакисининг шу соҳада фаолият юритиши сабаб эди. Хотамжон ака 7-8 ёшли ўғли Одижонга амакисини доимо унга ўрнат қилиб кўрсатар, эл орасидаги ҳурмати ҳақида такрор-такрор гапирарди. Одижон ҳам амакиси таътилга келган пайтлари вақтини бирга ўтказишга интиларди. Шу тариқа унинг қалбида ёшлигидан ҳарбийликка қизиқиш ва ҳавас ортди.

Маҳалласида воғға етган Одижон мактабни аъло баҳо-ларга туга-тиб, йигитлик бурчини ўташга отланди. Муддатли ҳарбий хизматни артиллериячилар қисмида намунали ўтаган, ҳеч иккиланмасдан ўзи оруз қилган касбни, яъни ҳарбийликни танлади. Бир неча йилдан буён Куролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилаётган кичик командир бугун асл профессионал сифатида камол топмоқда. Дала-ўқув машғулотида қўлга киритаётган ютуқлари ҳам буни тасдиқлайди. ...Гуруҳ командири офицер Рустам Шомуродов кўмондонликдан топшириқ олди. Гуруҳ белгиланган ҳудудда, тоғ дарасидан яширинча ҳаракат қилаётган шартли душмани топшири

ва йўқ қилиши лозим. Командир ким қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунириб, шартли душман тўғрисида тўпланган маълумотларни айтди. Гуруҳ топширилган вазифани бажаришга киришди. Мерган вазифасида хизмат қилаётган сержант Одижон Исмоилов командирнинг топшириғига биноан бир неча кунлик кузатув ишларини амалга ошириб, етарли маълумот тўплаган, командирга ахборот берди. Командир етарли тажриба ва маҳоратга эга мерганнинг вазифани муваффақиятли бажаришга шубҳа қилмагани. Шу боис унга ишонч билдириб, шартли душманинг асосий кучларини йўқ қилишни топширди. Мерган қулай позиция танлаб, жой шариоти га мослаб маскировка қилди ва ўзига юклатилган жанговар вазифани удралади. — Сержант Исмоиловни анча йил-

лардан буён биламан, — дейди офицер Бобохон Султонов. — Ундаги тирриқоқлик ва талабчанликни жуда қадрлайман. Гуруҳда ўз ўрнига эга бу кичик командир жанговар шайликка муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қарангки, Одижоннинг бу соҳада фаолият юритиши укаларининг ҳам қизиқишини шакллантирди. Ўртанча ўқаси кичик сержант Қобилжон Исмоилов айна кунларда Куролли Кучларимиз сафида шартнома бўйича хизмат қилмоқда. Яна бир ўқаси Алишер Ҳотамов эса ҳарбий академик лицейда таҳсил оляпти. — Бу соҳада фаолият юритиб, халқим қорига яраётганидан мамнунман, — дейди лавҳамиз қаҳрамони. — Камтарона хизматим учун давлат мукофоти билан тақдирлашимиз менга янада куч бағишлаб, бундан-да юксак марраларни забт

этишга руҳлантирди. О. Исмоилов сержантлар тайёрлаш мактабининг икки босқичида ҳам ўқиб, билим ва маҳоратини оширган. Шунингдек, у Куролли Кучлар миқёсида ўтказиб келинаётган «Энг илгор мерган» танловининг қўйи босқичларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган. — Она учун энг катта бахт бу фарзандларининг камолини кўришидир, — дейди Одижоннинг онаси Қандолатхон ая Бобожонова. — Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда эшитган бу қувончли хабардан кўнглим осмон қадар юксалди. Ўғилларимнинг шарафли касбда Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровон ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшаётганидан жуда бахтиёрман ва бундан фахрланаман.

Ахбор ОЧИЛОВ, лейтенант

Мулоҳаза

Назаримда, асримизни ахборот-коммуникация ва технологик ривожланиш даври дея таърифлашга ҳам ўрганиб қолдик. Ваҳоланки, бу каби ютуқларга эришишда инсоният қанчалар бош қотирмади, изланмади дейсиз? Шу билан бирга, аҳолининг яшаш тарзи, ишлаш услуби, муомала-маданияти тубдан ўзгарди. Аммо бир ҳақиқат даврлар оша қандай бўлса, шундайлигича қолиб келмоқда. Аҳоли жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ва айни пайтда истеъмолчиси сифатида қолди.



Келажақда инсониятни нима кутмоқда?..

БМТ дунё аҳоли сонини текшириш фонди маълумотларига қараганда, инсоният шу тарзда кўпайишда давом этса, 2050 йилда дунё аҳолиси 9 миллиардга етиши, 2100 йилга эса 10 миллиарддан ошиб кетиши кутилмоқда. Аҳолининг ортиши асосан Африка, Латин Америкаси ва Тинч океани ҳудудидидаги давлатларда юзага келгани билдирилди. Шунингдек, ҳозирда ўртача 68 йил бўлган инсон умри аср охирида 81 га кўтарилиши тахмин қилинмоқда. БМТ нашрида ёзилишича, 2011 йилнинг ўзидаёқ дунё аҳолиси сонини 7 миллиарддан ошди, 2023 йилга келиб эса 8 миллиардга етати. Бундай вазият одамларнинг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳозирдаёқ дунё бўйлаб 925 миллион киши сурункали очликдан жабр кўриб яшамоқда. Хисоботда келтирилишича, бугун аҳолиси 1,34 миллиарддан ташкил этувчи Хитойда 2100 йилга келиб бу рақам 1 миллиарддан камайиб кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Россия аҳолиси эса бугунги 143 миллиондан 2050 йилга келиб 126 миллионгача, 2100 йилга келиб эса 111 миллионгача тушиши мумкин.

Аҳоли ўсишининг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Келажақда энг кўп одам яшайдиган мамлакатлар сифатида Хитой, Ҳиндистон билан бир қаторда, АҚШ, Нигерия, Индонезия, Покистон, Эфиопия, Конго, Мексика ва Филиппин давлатларини тилга олса бўлади. Аммо бу борадаги аҳоил сайёрамизнинг барча ҳудудларида ҳам бир хил эмас. Шу сабабли баъзи минтақаларда демографик муаммолар келиб чиқиши мумкин. Масалан, айрим давлатларда аҳолининг кексаяиб бориши тезлашмоқда. Натижада, пенсия фонди ҳарajatларининг кўпайиши солиқлар ошишига, жамғарма маблағларининг камайишига ҳамда инвестициявий салоҳиятнинг тушишига олиб келади. Бундай ҳолат сабабларидан яна бири мазкур мамлакат аёлларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнда иштироки ошиб бориши натижа-сида туғилшнинг камайиб кетиши бўлиб, ушбу муаммонинг ўзи ҳам яна бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, келажақда етарлича меҳнат ресурсларига эга бўлмаслик оқибатида айрим минтақаларда чет эллик ишчиларга ўз мамлакатлари эшигини очиб беришади. Натижада, маблағ четга чиқиб кетади. Бироқ баъзи давлатларда белгилаб қўйилган тартиб-қоидалар бундай вазиятнинг олдини олишга ёрдам бермоқда. Жумладан, ишга қабул қилишда иш стажини ва пенсияга чиқиш ёшини узайтириш...

Бундан ташқари, дунё аҳолиси яшаш шароити юқори бўлган маконлар томон интилиши XXI асрда миграциянинг оммалашуви-га сабаб бўлди. Ҳўш, натижа қандай? Ҳозирда ривожланган дав-латлар ўзининг гуллаб-йўналишида юқори малакали иш кучидан фойдаланди. Миграция маданиятлар аралашуви ҳам сабаб бўлди. Баъзи миллат вакиллари эндиликда ўзга маданиятни, ҳатто ўзга динни қабул қилмоқда. Чет маданиятини англамай, ўз ҳаёти-га татбиқ этиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясини чалғитаёт-гани ҳам сир эмас. Шарқнинг гарб маданиятига бўлган интилиши миллий менталитетга кучли таъсир қилаётир.

Аҳолининг шаҳарга бўлган қизиқиши эса қишлоқлар бўшаб, ша-ҳарлар кенгайишига, дунёда «мегаполис» дея аталувчи шаҳарлар-нинг кўпайишига замин яратмоқда. Урбанизация жараёнининг ўсиши ишсизлик, турар жой, транспорт ҳамда йўл ҳаракати бил-дан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Эндиликда аҳоли ўртасида «яшаш учун кураш» шиори авж олмақда. Ҳатто, бу шиор кўпчилигининг кун тартибидея етакчи ўринга чиқди.

Иқлим ўзгариши ҳам аҳоли турмуш тарзини қийинлаштиряпти. Ер юзидея ҳаво ҳароратининг ошиб кетиши назорат остига олин-маса, инсоният келажақда озиқ-овқат тақсислиги ҳамда сув ор-қали юқадиган касалликлар кўрсаткичининг ўсиши, атроф-муҳит-нинг ифлосланиши натижада келиб чиқадиган хасталиклар тар-қалишидан азият чекади. Шунингдек, бу қишлоқ ҳўжалиги, деҳ-қончилик соҳасига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Бу каби муаммолар, албатта, давлатлар миқёсида ҳал этила-диган кенг кўламли вазифадир. Бинобарин, ҳорижада ишлаш ва у ердан кўп маблағ топши ҳар доим кутилганидек натижа бер-майди. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ўз меҳнат бозорига тўғри ва пухта ўйланган сиёсатни татбиқ этсагина, турмуш фаровон-лигини таъминлай олади. Бу эса юқоридея санаб ўтилган қатор муаммолар ечимини ҳал этишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Гўзал МАЛИКОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Обуна — 2012

Муштарийлар сафи кенгаймоқда



Юртдошларимиз маънавий дунёқарашини кенгайтириш, айниқса, ёшлар қалбини ва онгига миллий қадриятлар, урф-одатлар, юрта муҳаббат туйғусини синдиришда сеvimли нашримиз «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўрни алоҳида. Ушбу нашрлар биз, касаба уюшмаси етакчиларига ҳар жабҳада кўмаклашаётим. Вилоят кенгашимиз фаолияти кенг ёритилаётгани сабабли ҳам газеталарга бўлган эътиборимиз ўзгача. Бунини ушбу мавсумдаги обуна кўрсаткичлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Шу кунгача тармоқ бўйича «Ishonch»га 1131 та, «Ishonch-Доверие»га 234 нускада обуна бўлди. Энг муҳими, обунанинг 50 фоизи, яъни 610 нусхаси учун маблағ ҳўжалик ташкилотлари ҳисобидан ажратилди. Бу борада Марҳамат, Бадиқичи, Асака, Жалақудук, Олтинқўл, Пахта-обод, Қорасув, Кўргонтепа, виллоят ўрта махсус, касб-ҳўнари таълими бирлашган касаба уюшма кўмиталари ибрат кўрсатишди. Ҳозирда обунани «Ishonch»га 1200, «Ishonch-Доверие»га 250 нускага етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.


«Ishonch»нинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб борамиз. Хуқуқий мавзудаги чиқишлар, савол-жавоблар биз учун жуда асқотмоқда. Га-зета, шунингдек, аъзоларимиз олдида ҳисобот беришининг энг тезкор йўли ҳамдир. Шу ўринда тақлифларим ҳам бор. Айни пайт-да бошланғич касаба уюшма ташкилотларида

2012-2013 йилларга мўлжалланган жамоа шарт-номаларини тузиш учун тайёргарлик ишлари бош-лаб юборилган. Жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар эса газетанинг феврал ойида-ги сонларида берилди. Бу вақтда жамоа шарт-номаларини қабул қилиб бўламиз. Тавсиялар чоп этилгандан сўнг унга яна ўзгаришлар киритиш-га тўғри келади. Жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар шу кунларда эълон қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Иккинчидан, муш-тарийлар учун газетанинг обуна нархи муҳим аҳамия-ти касб этади. Обуна баҳоси янада арзонлашти-рилса, газеталар бундан ҳам оммалашарди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон виллоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Ватан тараннуми

Таълим, фан ва маданият ходимлари Учқудук туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Ватанимни кўйлайман» номли танлов ўтказилди. Унда халқ таълими муассасалари фаолиятининг методик таъминлаш ва ташкил қилиш бўлимига, қаролиги уқув-муассасалари ходимлари иштирок этишди. Натижага кўра, 6-ий ўрин тумандаги 20-сонли мактабнинг мусика фани ўқитувчиси О. Жўраевага насиб этди. 1-ўринга 9-сонли мактаб ўқитувчиси А. Ҳўдасева ҳамда 2-сонли МТМ тарбиячиси Д. Эрматова лўйик топилди. 2-ўринни 4-мактаб ўқитувчиси К. Қўрманова ҳамда туман мусика ва санъат мактаби ходими Ю. Қўжорова, учинчи ўринни 7-сонли мактаб ўқитувчиси Ш. Урқонова забт этди. Ҳолиларга эъдоллик совғалари топширилди. Омоний АЗИМУКОВА



Алла, болам.



Рассом: Солижон МАМАТҚУЛОВ

Кўнгли ичра кўнгли у, Таърифлашга оқиздир қалам. Энг покиза, беғубор туйғу, Бир боғ ичра боғдон — ягона! Бошда туттум, ардоқлаб дилдан, Синса-синсин зеб-зийнат бари. Она кўнгли синмасин чиндан, Чўнки онам қалбим меҳвари. Дилнавоз БОТИРОВА, Зонин тумани Даштотоб шаҳри 25-умумтаълим ўрта мактабининг 9-синфи ўқувчиси

Қадрият

Ҳўнари бор элдир — бу

Кундалик турмушимизда кўп учрайдиган, баъзан биз аҳамият беравермайдиған нарсалар сероб. Рўзгоримиз бутлиги бўлмиш, оддийгина чойнак-пиёладан тортиб, отахонларимиз бошига кўрк бўлган дўпплиларми ёки аёлларимиз хўсинга хўсин кўшган зеби-зийнат, тақинчоқларми? Бу каби санъат асарларини ким яратган, улар қандай босқичлардан ўтган. Мушоҳадаларимиз шу ҳақда.

Ҳар қандай ривожланиш кундалик эҳтиёж билан боғлиқ. Тарихдан маълумки, ки-шилар турмуши яхшилангани, давр тараққийётга юз тутгани сари хўнармандчилик ҳам янги босқичга кўтарилиб бо-раверган. Юқори сифатли ва бадий хўнармандчилик маҳ-сулотлари тайёрлашда уста-нинг уқуви, билими ва мала-каси соҳанинг янада такомил-лашувида муҳим омили санал-ган. Айниқса, Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган ип мато, гилам, шойи, мис каби маҳсу-лотлар дунё бозорларида ҳам харидоринг бўлган. Дўстлик ва ҳамкорликни кўзлаб отлан-ган қарвонлар Буюк ипак йўли орқали олис-олис сарҳадлар-ни ошиб ўтган. Ўзбек миллий

хўнармандчилиги бўлган ку-лолчилик, ўймакорлик, кашта-дўзлик, кўнчилик, заргарлик, ўймакорлик йўналишлари бойитилди. Миллий аънана-ларнинг янада такомиллашу-вида дизайнерлар, тикувчи-лар миллий хўнармандчилик маҳсулотлари билан уйғун-лашган замонавий кўриниш-лар ҳам самарали натижа бе-риб, айни пайтда бундай бў-юмлар миллий маданиятни музимнинг нозик ва бетактор намунаси сифатида баҳолан-моқда.

Ўзбекистон кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивинда сақланаёт-ган ҳужжатлар орасида айнан мазкур соҳада меҳнат қилган, унинг тадрижий ривожини учун

умрини бағишлаган усталар-нинг суратлари сақланмоқда. — Фондимизда сақланаёт-ган суратлар турли йилларга тегишли бўлиб, улар ўсида бой маданий меросимиз, санъатимиз, хўнармандчили-гимиз сарчашмаларини жам-лайди, — дейди архив фонд-ларининг бош сакловчиси Умида Ақромова. — Бу мате-риаллар хўнармандларнинг кўроллар, ўша вақтдаги ша-роит билан бирга, ҳозирги пайтдаги ўзгаришлар, махсус такомиллашган техника имко-ниятларини солиштириш учун кўл келади. Албатта, халқимизга хос бўлган бундай фаолият тури айни кунда қадриятлар даража-сида ардоқланмоқда. Токи, кун-далик турмушимиз, тўйларим-из-у яхши кўнларимизга хиз-мат қилаётган хўнармандчилик асори-атикалари ўзбек хона-донларининг кўрки бўлсин. Нарғиза АСАДОВА

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of staff members.